



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 19 - oktabr

87-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Самарқанд вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси негизда Самарқанд шаҳар “Чўпон ота” маскани “Расадхона” маҳалла фуқаролар йиғини худудида “Чавандозлар мактаби” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Самарқанд вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси негизда Самарқанд шаҳар “Чўпон ота” маскани “Расадхона” маҳалла фуқаролар йиғини худудида “Чавандозлар мактаби” қурилишини амалга ошириш мақсадида,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Самарқанд вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармасига Самарқанд шаҳар “Чўпон ота” маскани “Расадхона” маҳалла фуқаролар йиғини худудида “Чавандозлар мактаби”ни қуриш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 5,0 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Самарқанд вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси (Л.Яхшиликов), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали (Ш.Илмуратов) ва вилоят

қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов):

мазкур объектларнинг белгиланган тартибда лойиҳаолди шаҳарсозлик ҳужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдоларини ўтказиш чораларини кўрсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Самарқанд вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси (Л.Яхшилик), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойқулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Самарқанд шаҳар ҳокимлиги (Б.Облоқулов) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда шаҳар ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов